

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

2004-YIL ■ 18-SENTABR ■ SHANBA ■ 114 (27.289) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИДИР

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

17 сентябрь куни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари вилоят аҳлининг мамлакатимиз ривожига салмоқли улуш қўшаётганини таъкидлади. Буни азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунармандлар юрти бўлиб келган Наманганнинг энгил ва озик-овқат саноати соҳаларида, фан ва маданият масканлари фаолиятида кўриш мумкин.

Вилоятнинг иқтисодий ривожига амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хорих инвестициясини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир неча қўшма корхоналар муҳим аҳамият касб этмоқда. «Нестле», «Пап-Фен» сингари қўшма корхоналарни алоҳида таъкидлаш мумкин. Уларнинг маҳсулотлари мамлакатимизда ва қатор хорижий давлатларда аллақачон ўз харидорини топган.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Шу билан бир қаторда, вилоятда ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан батамом воз кечилгани йўқ. Мансаб ваколатини суниётсизмол қилиш, давлат мулкига, айниқса, муқаддас неъмат саналмиш ерга нисбатан ҳўжасизларча муносабатда бўлиш, уни талон-торож қилиш, энг ачинарлиси, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик, қонунбузарлик каби жиддий нуқсонлар учрамоқда. Юқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг маъсулиятсизлиги оқибатида маънавий муҳит ва адолат тамойилларининг бузилиши билан боғлиқ ачинарли ҳолатлар рўй берган.

Вилоятда юзага келган бундай вазият зарур чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Тўлқин Жабборов ўз аризага биноан Наманган вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири бўлиб ишлаб келётган Икромхон Намиддинов Наманган вилояти ҳокими этиб таъинланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, Наманган давлат университети ректори Турсунбой Файзуллаев, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдурахим Ҳамидов, Чортоқ тумани ҳокими Муродилла Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз нутқига келтирилган танқидий фикрлардан тегшли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва маъсулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

Н.ОЧИЛОВ, И.РАЗЗОҚОВ, ҲА МАХСУС МУХБИРЛАРИ

Суратда: сессия пайти

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар!

Мухтарам депутатлар! Барчангизга маълумки, бугунги сессия мажлисининг кун тартибига битта масала — яъни, ташкилий масала киритилган.

Сиз, ҳурматли депутатлар билан учрашувимизнинг асосий мақсади — бугун Наманган вилоятидаги мавжуд вазият ва аҳолини танқидий баҳолаш, одамларнинг кайфияти, ҳаётга муносабати, уларнинг нималардан рози, нималардан норози эканини билиш ва шундан хулоса ва сабоқлар чиқаришдан иборат.

Шулар билан бирга, Наманган вилоятининг иқтисодиёт ва ҳўжалик соҳаларида амалга оширилган ислохотларнинг бориши, олдимишга қўйган режа ва марраларга эришилши йўлида гов-тусиқ бўлиб турган муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан фикр алмашиб олишимиз лозим.

Азалдан меҳнатсевар, тадбиркор ва ҳунарманд, дину динёнати инсонлар юрти бўлиб келган Наманган вилояти ўзининг ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда бутун юртимиз қатори бу заминда ҳам тараққиёт йўлида анча ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда саноат соҳасини, хусусан, энгил ва озик-овқат саноатини ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш, маданиятнинг иншоотлар барпо этиш, ободончилик ишлари борасида муайян ютуқларга эришилганини кўришимиз ва тан олишимиз зарур.

Вилоят ҳўжалигининг барча етакчи соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, капитал қурилиш, чакана товар айланмаси, пуллик хизмат кўрсатиш, аҳоли реал даромадларининг ортиши бўйича қилинган ишлар ўз натижаларини кўрсатмоқда.

Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хорих инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир қатор замонавий қўшма корхоналар Наманган иқтисодиёти ривожига ўз хиссасини қўшмоқда.

Хусусан, «Нестле», «Пап-Фен» каби қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган юқори сифатли маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз харидорини топмоқда.

Бу ютуқларнинг тағ-заминада шу муқаддас юртда яшаётган инсонларнинг, кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилаётган минг-миглаб наманганликларнинг фидойилиги, изланиш ва интилишлари муҳасам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Тақрор айтмоқчиман, бугун Наманган тупроғида юз бераётган ва кўзга ташланаётган янгилинишларни, шаҳар ва қишлоқларимизнинг шакли, кийфаси тобора ўзгариб, биринчи навбатда одамларимизнинг маданияти, онгу тафаккури юксалиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайд.

Қисқа қилиб айтганимиз билан, халқимизнинг фаолияти ортаётгани, фуқароларимизнинг эл-юртимизда бўлаётган барча ижобий ўзгаришларга ўз даҳлдорлигини сезиб, ўзини анча эркин ва мустахам тутаятганини

кўриб, киши беихтиёр қувонади, албатта.

Буларнинг барчасига аввало мустақиллик шарофати билан юртимиздаги ҳар қайси инсон, оила ҳаётида, ёшларимиз дунёқарашига тобора мустахамлашиб бораётган эгаллик ҳиссиёти асосий омил бўлмоқда, десак, ўйламанки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мен одамларимизнинг онгида, қарашларидаги ҳеч нарса билан солиштириб, қийсалаб бўлмайдиган бундай ўзгаришларни истиқлол йиллари давомида биз эришган энг катта, энг юксак ҳаётимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи улкан ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Шу борада бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур, деб ўйламан. Бундай кайфиятда бўлган, эртанги кунга ишонч билан яшаётган, катта интилиш ва умид билан меҳнат қилаётган халқимизга бор гални очкичасига, оқни — оқ, қорани — қора деб, ҳеч нарсани яширмадан айтишимиз зарур.

Чунки, биринчидан — улар ҳаётимизда содир бўлаётган барча воқеалардан хабардор бўлсин, иккинчидан — фақатгина мана шундай муносабат, мана шундай ошқора, очик ташкил қилинган мулоқот-суҳбат, халққа билдирилган ҳурмат-эҳтиром одамларнинг адолатга бўлган ишончи сўниб қолмишига йўл қўймайди, уларнинг фаоллигини янада оширади.

Шу нуқтан назардан вилоятдаги мавжуд вазиятни таҳлил қилаётган бўлсак, юқорида зикр этилган ижобий ишлар билан бир қаторда, бу ерда турли салбий ҳолатлар, ўз ечимини топмай келаётган муаммолар, жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳам тан олишимиз, уларга барҳам бериш йўларини топишимиз даркор.

Бу таҳлилни вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасидан бошлаяйлик.

Албатта, сўнгги йилларда Наманган вилоятида бу борада анча-мунча ўзгаришлар амалга оширилганини, одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабати ўзгара бошлаганини, айниқса, ерининг ҳақиқий эгаси, фаровон ҳаёт бунёдқори бўлган фермерлик ҳаракатининг тобора кучга кириб бораётганини қайд этишимиз лозим.

Бугунги кунда мавжуд 5 минг 140 та фермер ҳўжалиги вилоят миқёсидаги жами қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг таҳминан 10 фоизини етказиб бераётгани бунга мисол бўла олади.

Лекин, очигини айтганим билан, ҳозирги пайтда вилоят қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларнинг боришини қониқарилиб деб бўлмайди. Масалан, пахтачилик соҳасини олайлик.

Ўзининг бой ва қадимий деҳқончилик тажрибасига, миришкор деҳқонлари, катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Наманган вилояти пахта етиштириш бўйича шартнома ривасини кейинги йилларда сурункасига бажармасдан келмоқда.

Хусусан, ўтган йили бу борадаги давлат буюртмаси 62 фоиз даражасида қолиб кетганини эсласак, ўйламанки, вилоятда ишни замон талаблари асосида ташкил этиш масаласида жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

МДХ ТАШКИЛОТИНИНГ ИСТИҚБОЛИ БОР

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Айтиш мумкин, у самарали бўлди ва МДХ ташкилотини бундан бунён жилла курси шу алфозда сақлаб қолишга шўбха қилаётган айрим сивъсатчилару экспертларнинг башоратларини пучга чиқарди. МДХ давлатлари раҳбарларининг Остона йиғилишини ҳеч иккиланмай тарихий саммит деб аташ мумкин. Чунки унда МДХ ташкилотининг келажаги борлиги эътироф этилди.

Башоратчилар ҳақидаги фикрни давом эттирадиган бўлсак, уларнинг башоратлари амалга ошиши учун бир баҳа қолган эди, десак ҳам хато бўлмайди. Бу ташкилот доирасида минг-миглаб ҳўжатлар имзоланган, буларнинг эса натижаси кўринмасди.

Остонага етиб борган давлатимиз раҳбарини бошқа расмий кишилар қатори МДХ ташкилотини ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло ҳам қутиб олди. Бироз фурсат ўтмай, вақт анча кеч бўлиб қолганига қарамай, Ўзбекистон Президентига ажратилган қароргоҳда Ислам Каримовнинг Владимир Рушайло билан суҳбати бўлди.

Суҳбатнинг асосий мавзуи МДХ ташкилотининг келажаги ва бу ташкилотга навбатдаги раислик қиладиган давлат атофида бўлди.

Президентимиз ҳар доимгидек ўзларининг прагматик қарашларини баён этиб, қатъийлик билан Ўзбекистон МДХнинг сақлаб қолиш тарафдор эканини таъкидладилар ва ижроия қўмитаси раҳбаридан ушбу тақлифи ҳамда бу ташкилотга навбатдаги раислигини Россияга топшириш зарурлигини қолган барча давлатлар раҳбарларига етказиш ва уни қўллаб-қувватлашни сўрадилар.

Эртасига саммит бошланмасдан Ўзбекистон ва Россия Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув аввалдан тасдиқланган дастурда кўзда тутилмаган эди.

Президент Ислам Каримов нега шундай йўл тунди? Халқимизнинг бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, нақли айнан шу бугун МДХ учун қўл келиши мумкин. Бугун барча МДХга аъзо мамлакатларда етарли даражада ўзига яраша муаммолар йиғилиб қолган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни четга суриб турганимизда ҳам терроризм деган бало ҳамминани ташвишга солиб турибди. Бугун бир тан, жон бўлиб ишлайдиган пайт келган. Мураккаб бўлган бу за-

монда салоҳияти, имкониятлари катта, иқтисодиёти жиҳатидан бой бўлган Россия давлатига МДХ раҳбарларини бошини қовуштира олади, ташкилот ичида ислохотларни ҳам Россия бошчилигида амалга ошириш мумкин. Ана шу нуқтан назардан давлатимиз раҳбари МДХ ташкилотини навбатдаги раисликини Россия давлатига топшириш ташаббусини киритдилар.

Ўзбекистон томонидан тайёрланган бу хусусдаги қарор лойиҳаси барча давлатлар раҳбарлари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Ойлар, йиллар бир-бирини қувиб ўтаверди. МДХ ташкилотини асос солинганига ҳам қарий ўн уч йил бўлди. Дастлабки йилларда тез-тез қўришиб турган давлат раҳбарлари, кейинчалик нисбатан камроқ учрашадиган бўлишди. Меҳр кўзда, деганларидек, орадан бироз оқибат кўтарилгандек бўлди, чоғи.

Ўтган давр мобайнида МДХ доирасида уч мингдан зиёд турли ҳўжатлар имзоланди. Бу ҳўжатларнинг айримлари деярли ишланмапти, десак биз билан баҳслашувчилар кам топилса керак. Агар бу битимлару қарорларнинг барчасининг ижроси таъминланганда эди, МДХ ташкилотининг жаҳонда тенги бўлмасди. Афсуски, ундай бўлмади. Сўнгги ўн йилликда дунё кескин ўзгарди, ҳаёт ўзгарди, одамлар ўзгарди. 1991 йилда қабул қилинган МДХ ташкилотини Низомии эса ўзгармади.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги тақлифи МДХнинг истиқболи тўғрисида бўлди. Президентнинг таъкидлашларича, МДХнинг шаклини яратиш лозим. Унга қўра, МДХ ташкилотини ўзига аниқ-равшан бўлган йўлни белгилаб олиши даркор.

Шу ўринда Президент Ислам Каримов Европа Иттифоқи моделини мисол қилиб келтирди, ташкилот ичида ислохотлар ўтказишда бу Европа ташкилотини намуна қилиб кўрсатиш мумкин, деди. Ташкилотнинг истиқболда самарали натижалар берадиган фалсафасини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Остона саммити ишида МДХ ташкилотининг тизими танқид қилинди. Давлат раҳбарлари кенгашидан ташқари, ҳўкуматлар, ташки ишлар вазирилари, мудоффа вазирилари ва қатор бошқа кенгашлар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари Иқтисодий ўсиш, Давлатлараро статистика қўмитаси ва шунга ўхшаш ўнлаб қўмитаю комиссиялар ишлаб турибди. Бу тизимларнинг самараси ҳеч бир

ишда кўринмапти. Давлат раҳбарлари бу хусусда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдиларки, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг МДХ ташкилотини тизимини ислох қилиш зарур, деган мулоҳазалари билан ҳаммагон эди. Натжижада кейинги йилга қадар ижроия қўмита доимий ишчи органларини 48.2 фоизга қисқартириш бўйича тақлиф ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Остона саммитини Россия телеканаллари эринмай, жада батафсил ёритишди. Бунда мамлакатлар учун, айниқса Беслан воқеаларидан кейин бу давлат учун долзарб бўлган терроризмга қарши кураш мавзуи барча аштиришларнинг диққат марказида бўлди. Барча ахборот дастурларида Президент Ислам Каримовнинг «бугун биз фақат террорчилару ўзлари билан кураш олиб бормоқдамиз, бунинг самараси кам, бугун уларни молиявий томондан таъминлаётган, террорчиларни тайёрлаётган марказларга қарши кураш олиб бориш зарурлиги ҳамда МДХ доирасида экстремистик ташкилотлар ва террорчиларнинг рўйқатини тузиш» тўғрисида билдирган фикрлари телевизор орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

Айнан шу фикрлари деярли барча Россия газеталари ва Интернет саҳифаларининг кечаги сонларида ҳам ўз аксини топди. Йиғилишда ҳам Президентимизнинг терроризмга қарши курашда МДХ доирасида ҳамкорлиқни қучайтириш лозимлиги ҳақидаги фикрлари саммит иштирокчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Саммит ишида И.А.Каримов 1994 йилда МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарлари томонидан имзоланган эркин савдо ҳудудини яратиш тўғрисидаги битимнинг амалда ишланмаётганига эътибор қаратиб, давлатлар раҳбарларини бу соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга чорлади. Иқтисодий интеграция йўлга қўйилса, барча давлатлар олдида турган муаммоларнинг ечимини топилади, деди.

Ўзбекистон Остона саммитидан қониқиб ҳосил қилди, биз томондан киритилган барча тақлифлар тўла қўллаб-қувватланди. Демак, мамлакатимизнинг МДХ доирасидаги ҳўфураси, обрў-эътибори яна бир қара юксалди, дейишга тўла асос бор. Қолаверса, МДХнинг келажаги йўқ, деган башоратлар сароғга айланди.

АБРОР ҲУЛОМОВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси

GERMANIYA DELEGATSIYASI UCHRASHUWLARI

Мамлакатимизда Бремен Федерал ери бошқарувчи бургомистри, адлия сенатори Геннинг Шерф раҳбарлигидаги Германия Федератив Республикаси вакиллари меҳмон бўлиб турибди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полдвозда, Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов, Олий суд раиси Ф.Муҳиддинов, Олий ҳўжалик суди раиси А.Шиметов билан учрашди.

Учрашувларда юртимизда суд-ҳўқуқ соҳасини ислох қилиш жараёни айнан демократик ҳўқуқий давлат талабларига мос равишда олиб борилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон каби ҳўқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатда суд тизимини тубдан ислох қилиш, бу борада ҳаюндаги ривожланган мамлакатлар тақрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон ва Германия муносабатлари барча жаҳада, жумладан, қонунчилик, суд, ҳўқуқ-тартибот соҳасида кенгайиб бораётгани, суд тизими органлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро тақриба алмашиш аънанавий тўс олгани қайд этилди.

БЕХОД НОРБОВЕ, ҲА МУХБИРИ

GAZLIDA ZAMONAVIY KOSONALAR

Оловкорлар шаҳри — Газлида 750 ўринли анги мактаб ва замонавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Мазкур замонавий қўшмаларни «Бухорогазсантўқурилиш» ҳиссасдорлик жамиятининг 5-қўрилиш ва ободонлаштириш унитар корхонаси жамоалари салкам олти ойдаёқ қўриб битказдилар. Уларда 2,6 миллиард сўмлик иш бажарилди.

ДАВРОН БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

Фойдали учрашув

Фуқароларимизга икки палатали парламентнинг моҳияти, шу йилнинг декабрь ойида бўладиган ялли сайловларнинг мазмуни, сайлов қонунчилиги, умуман мамлакатимиздаги сиёсий ислохотлар жараёнилари хусусида кенгроқ ахборот бериш, уларни қизиқтирган масалаларни муҳокама қилиш тўбора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Қуни кеча Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгаши ташаббуси билан туман Политехника касб-ҳўнур коллежиде ўтказилган «Барқарор тарраққиёт кафолати» мавзусидаги анжуман ҳам ана шу масалаларга бағишланди. Тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, маҳаллар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, халқ таълими

тизими ходимлари, БПТ қотиблари, тумандаги ҳарбий қисм аскар ва офицерлари, туман партия кенгаши қўшидаги «Ҳаёт мактаби» клуби аъзолари ҳамда коллеж талабалари иштирок этдилар.

Тадбирни ХДП Сергели туман кенгаши биринчи қотиби Лола Исмаилова кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни ўтказилаётган анжуманнинг мақсади билан таништирди. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ойниса Мусурмонова сўзга чиқиб, кейинги пайтларда юртимиз сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, парламентнинг қонунчилик фаолияти тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, маҳалларда тинчлик ва оқоийш-талиқни сақлаш чора-тадбирлари, ёшлар ҳамда аёллар ўрта-

сида бугунги кунда учраётган айрим муаммолар, уларнинг олдини олишда фаоллар, барча фуқароларнинг роли ҳақида фикрлар билдирди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи қотиби Аслиддин Рўстамов ўз сўзида бўлаёқ сайловларда сиёсий партияларнинг ўрни, ЎзХДПда сайловоти тарадуди ҳамда партия ташкилотлари томонидан аҳолини ташвишлантираётган муаммолар ечимини топиш юзасидан олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Анжуман савол-жавобларга бой ва мароқли ўтди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган қўлгина саволларига маърузачилардан жавоблар олдилар, айрим масалалар юзасидан тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKBOGORA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ — ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФФОЛАТИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай аҳволнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида кўп гапириш мумкин. Мен фақат энг асосийларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун барчамизга аёнки, қишлоқ ҳўжалигини фақат ва фақат юксак агротехника талаблари ва қондаларига қатъий амал қилиш, фан-техника ютуқларини, илгор тажрибаларни кенг жорий этиш, энг муҳими, барчамизни боқадиган деҳқонга, ишлаб чиқарувчига эркинлик, муносиб шарт шартлар бериш, унинг меҳнатини ўз вақтида ва одилона рағбатлантириш ҳисобидан ривожлантириш мумкин.

Бунинг бошқа ҳеч қандай воситаси ҳам, чораси ҳам йўқ. Токи ҳар қайси деҳқон кечаги кунни бугунги кун билан солиштириганди, ўз ҳаётида қандайдир ўзгариш кўрсан.

Фаровон ҳаёт — бу фақат моддий бойлик, тўкин-сочилиқдан иборат эмас. Бу аввало эркинлик, эркин нафас олиш демакдир. Инсон ўз меҳнати, ўз турмушидан рози бўлиб, оиласининг эртанги кунидан хотиржам бўлиб, фарзандларни қўзғима тик қарай олиши ҳам фаровон ҳаёт белгисидир.

Агар одамнинг уйда молу дунё, машинаси бўлса-ю, у эркин нафас олиб яшамаса, бундай фаровонлик кимга керак? Албатта, ҳаёт учун пахта ҳам, галла ҳам зарур. Лекин улар нимага, қандай мақсадлар учун керак? Улар аввало фаровон ва эркин ҳаётнинг асоси сифатида керак.

Шу кўз билан қараганда, афсуски, Наманган вилоятида ҳали — ҳамон эски турмушга ҳос иш юритиш ва бошқарув усулларидан воз кечилмапти, кўп жойларда ерга бўлган ҳўжасизларча муносабат давом этмоқда.

Мингбулок, Поп, Янгиқўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида қариб 33 минг гектар ер майдонининг қўли шўрланганига йўл қўйилгани биринчи галда ана шундай муносабат натижасидир. Бу қўрсаткич вилоят бўйича кейинги йилларда қариб 13 фоизга ошган, ҳосилдорлик эса пасайиб бормоқда.

Биргина мисол — 2002 йил янқулар бўйича Мингбулок туманида пахта ҳосилдорлиги 16 центнерни, ўтган йили эса атиги 12 центнерни ташкил этган.

Мен илгари ҳам айтганман, ҳозир ҳам тақдорларимизга мажбурман. Ун-ун икки центнер ҳосил олгандан кўра шу ерга умуман пахта экилган маъкул эмасми? Бар-рақ топқулар, нима қиласизлар, ернинг ҳам, ўзинингнинг ҳам умринингизни бекор ўтказиб?

Фермер ҳўжалиқликларига етарли имкониятлар яратиб берилмаслиги — тармоқдаги қўлоқликнинг асосий сабабларидан биридир. Масалан, Мингбулок, Поп ва Чуст туманларида фермерларни ҳайдов тракторлар билан таъминлаш даражаси 20 фоиздан ошмайди.

Кейинги бир ярим йил мобайнида фермер ҳўжалиқларининг фақат 1 фоизи лизинг асосида техника воситаларни сотиб олган, ҳоло, Савол туғилди — давлатнинг томонидан яратилган бу имкониятдан фермерларнинг кенг фойдаланишига ким ва нима тўсиқ бўлмоқда?

Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласида ҳам кўп-жойларда маъмулийлик, ошина-огайчилик, уруғ-мўқчилик, кўпол қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилганлигини қузатиш мумкин.

Фақатгина текширилган майдонларнинг ўзида пахта ва галла экишга мўлжалланган 660 гектар ердан мақсадга ҳилоф тарзда фойдаланилгани, 420 гектар ер одамларга қўноқнинг равишида ажратиб берилгани, 390 гектар ҳисоботдан яширилгани, 150 гектар қўноғна экил равишида полиз ва сабзавот экинлари экилгани, 60 гектар ер эса ўзбошимчилик билан эгалаб олингани шундан далолат беради.

Шу борада жуда кўп мисолларни олиб келиш қийин эмас. Поп туманининг «Сирдарё» ширкат ҳўжалиғи тасарруфидида бўлган 16 гектар ерни В.Тошметиев деган шахс ўзбошимчилик билан эгалаб, бир неча йилдан бери қўноқнинг фойдаланиб келган, оқибатда ҳўжаликка катта моддий зарар етказилган.

Чуст туманининг собиқ ҳокими Т.Рўзибоев ер ажратилиш мансаб ваколатларини суиистеъмол этгани ва катта миқдордаги транш пулларини талон-торож қилгани учун судланган. Шу туман ҳокимининг ўринбосари В.Ғозиев эса ўз номига «Ғофизон Эшон» фермер ҳўжалигини ташкил этиб, 10,5 гектар ер майдонини эгалаб олган.

Учқўрғон тумани ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари А.Мамадалиев турмуш ўртоғи номига 20 гектар, туман ҳокимининг собиқ ўринбосари Х.Абдуғаниев эса ўз ўғли номига 20 гектар ерни расмийлаштирган.

Косонсой тумани собиқ ҳокими У.Маматов вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бошқармаси ходими О.Абдураҳмоновга 17 гектар, ўз кўеви О.Маъруповга эса 5 гектар ва «Косонсой» ширкат ҳўжалиғи бошқаруви раиси Ю.Каримовнинг ўлиғига 7 гектар ер ажратиб берган. Ҳозирги пайтда ушбу ҳолатлар орасидан тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Узингиз ўйланг, аҳоли ўта зич яшайдиган, ер танқис бўлган бир шартда шундай адолатсиз ишларга йўл қўйилса, авваламбор, раҳбарларнинг ўзи шунга бош бўлса, қўноғни ҳам, инсофду диёнатни ҳам унутса, оддий одамлар дардини кимга

айтсин?

Вилоятда қишлоқ ҳўжалиғи учун сув билан ҳаводек зарур бўлган моддий ресурсларни ўзлаштириб юбориш каби бемаза ишларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Масалан, 2004 йилнинг ўтган даврида 19 ҳолатда нефть маҳсулотларини, 45 ҳолатда эса минерал ўғитларни қўноқнинг четга чиқариш билан боғлиқ қўноқ бузилишлари аниқланди.

Агар шу вақт мобайнида республика бўйича 368 та ана шундай ҳолат аниқланган бўлса, бунинг 226 таси Наманган вилоятига тўғри келади. Бу эса вилоятда моддий ресурслардан оқилона, масъулият билан фойдаланиш ўрнига қўноғни ишлар авлаётганини кўрсатади.

Бундай нопок ишлар бўйича тегишли тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда ва айбдорлар албатта қўноқ олдига жавоб беради.

Ҳар қандай иқтисодиёт ривожининг асоси бўлган, уни модернизация қилишда ҳам қилувчи ўрин тутадиган ҳорижий инвестицияларни кенг жалб этиш масаласига тўхталиб ўтсак, бу йўналишда ҳам салбий ҳолатга гувоҳ бўламиз.

Афсуски, изчил ва аниқ иш режаси билан олиб боришган сабабли бу соҳада Наманган вилояти ҳали-бери оқсоқ бўлиб қолмоқда.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, 2003 йили вилоят иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми 2001 йилга нисбатан 2,5 баробар камайиб кетган.

Кўпгина корхоналарнинг бозор талаблари асосида фаолият юрита олмаётгани, улар ўртасида шартнома муносабатларининг тўғри йўлга қўйилмагани, ўзaro тўлов интизомига риоя қилинмагани вилоят иқтисодиётида оғир муаммо бўлиб турибди.

Бундай нохуш аҳвол қўноқ-қўноқ мураккаблашиб, чигаллашиб бораётганига қарамай, вазиятни ўнглаш асосий вазифаси бўлган бу ердаги айрим раҳбарлар қандайдир гердайдир, ўзига бино қўйиб юрган, улардаги лоқайдлик ва беғамлик қийфати барчамизда ташвиш уйғотиши даркор.

Азиз дўстлар! Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига тараққиётимизнинг негизи ва асоси сифатида катта эътибор бераётганимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Наманган вилоятида ҳам бу борада бирмунча ишлар қилинмоқда. Айти пайтда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қамқотиш, уларнинг йўлига сунъий ғов-тўсиқлар қўйиш ҳолатлари борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Тадбиркорлик субъектларига қўноқ талаблари асосида ҳўжалик бинолари ва ер участкаларини ажратиш, уларни соддалаштирилган тартибда рўйхатга олиш, расмийлаштириш ишлари пайсалга солинаётганини ҳақида тегишли идораларга кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳам шунки кўрсатади.

Бу борада туман ҳокимликларининг 31 та қарорига асосан жами 770 нафар тадбиркордан қўноқнинг маблағларини жалб қилинган, ер ажратишда 122 та, савдо-доруҳатнома беришда 1600 та, рўйхатдан ўтказиш инспекциялари фаолиятида 3200 та қўноқ бузилиш ҳолатлари аниқланганини таъкидлаш зарур.

Ортимизда тадбиркорлар синфини шакллантириш ва уларнинг йўлини очиб беришда хусусийлаштириш жараёнининг аҳамияти катта экани шубҳасиз.

Аммо Наманган вилоятида бу соҳадаги ишлар ақсарият ҳолларда ҳўжақўрсин учун, юзакчилик билан олиб боришмоқда. Белгиланган хусусийлаштириш ва акцияларни сотиш кўрсаткичлари баҳарлиқмасдан қўлиб, бу ерда корхоналарни бошқаришнинг алмисоқдан қолган самарасиз усуллари ўзгармапти.

Ҳини, хусусийлаштирилган корхоналарда ҳали-бери эски директорлар корпуси ишламоқда ва айнан шунинг учун ҳам Наманганда ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланиши сўст бормоқда.

Катта-катта минбарлардан, оммавий аҳборот воситаларидан айтилаётган даъват ва чақириқларга, танқидий фикрларга қарамай, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва бошқарув органларининг қўноқнинг аралашуви ханузгача давом этмоқда.

Ўз навбатида назорат идораларининг ҳўжалик субъектларига улғуржи ва чакана савдо юритиш учун қўноқнинг равишида руҳсатномалар бериб юбораётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Масалан, Наманган туманидаги 14 та, Косонсой туманидаги 6 та тегишли моддий базига эга бўлмаган ва низоми жамғармаси шакланмаган ҳўжалик субъектларига улғуржи савдо ҳуқуқи бўйича ҳўжатлар амалдаги қондаларга зид тарзда берилган.

Бунинг орасида таъмагириллик борлигини, аниқроқ айтганда, пора олиш борлигини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман. Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим муаммога қаратмоқчиман.

Ҳар хуфиёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш, пул маблағларини қисқартириш, уларни банкка топширмаслик ҳолатларининг олдини олиш бўйича етарли чора-тадбирлар қўрилиши ҳақида бормоқда.

Наманган шаҳри ва туманларда, умуман, вилоят бўйича товар айланмаси ўсиб бо-

раётгани ҳолда, нақд пул тушумлари кескин камаймоқда. Шу йилнинг ўтган январь-июль ойлари давомида нақд пул тушуми Чуст туманида 36 фоиз, Янгиқўрғон туманида эса 45 фоизни ташкил этган.

Таҳлиллар шунки кўрсатмоқдаки, вилоят бўйича 145 та субъект ўзининг солиқ ҳисоботларида жами 6,8 миллиард сўмлик тушумини камайтириб кўрсатган, 30 та субъект эса жами 529 миллион сўмлик нақд пул тушумини банк кассасига топширмаган.

Масалан, Поп туманидаги «Водий экспресс» масъулияти чекланган жамияти қисқа муддат ичида 1 миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд товар айланмасини амалга оширган, лекин солиқ ҳисоб-китобларида 43 миллион 300 минг сўм товар айланмасини кўрсатиб, 1 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ маблағни яшириб қолдирган.

Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Биз кейинги пайтда ички истеъмол бозоримизни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширляпмиз. Аммо бу масала ҳали-бери долзарб бўлиб қолмоқда. Айтмиқса, Наманган вилоятида бу борадаги аҳволни талаб даражасида деб бўлмайди.

Бунки қўйидаги далиллар ҳам тасдиқлайди. Мисол учун, Ангрн — Поп нефть базаларидан фойдаланиш корхонасининг мансабдор шахслари Чуст туманидаги Олмос, Поп туманидаги Пунгон қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар билан тил бириктириб, Қирғизистон ва Тожикистонга нефть маҳсулотларини олиб бориб сотиш билан шуғулланган. Бу ҳолат бўйича 49 киши жавобгарликка тортилган бундай бемаза ишлар вилоятда анча илдиэ отганини кўрсатади.

Айти пайтда етарли назорат бўлмагани сабабли айрим мансабдор шахслар томонидан мақсадли фондлар маблағларидан ноўғри фойдаланиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Чуст тумани «Пахтабанк» бўлими бошқарувчиси Р.Мирзоалимов, туманининг собиқ ҳокими Т.Рўзибоевнинг кўрсатмасига асосан, қишлоқ ҳўжалиғи корхоналарига галла етиштириш учун келиб тушган 92 миллион сўмлик транш пулларини мақсадга ҳилоф тарзда йўналтириш учун жавобгарликка тортилган.

Қадрли юртдошлар! Аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш — юртимизда бугун олиб борилаётган давлат сийсатининг ҳам қилувчи масалаларидан биридир. Аммо бу соҳада ҳам вилоятда талай нўқсон ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Наманган шаҳридаги собиқ Давлатобод тумани иқтисодий таъминот бўлими ҳодимаси К.Умуразоқова зиммасига ёлғиз яшайётган, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган бир гуруҳ пенсионерларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Аммо у ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ана шу пенсионерларга тегишли йўл-жойларни ўз номига ўтказиб олган ва жами 4,2 миллион сўмлик мол-мулкни товланмачилик йўли билан ўзлаштириш учун судланган.

Косонсой туманида кейинги икки йил давомида 111 та оилага бир миллион сўмдан зиёд маблағ қалбқилиштирилган ҳўжатлар асосида тўлгангани ҳам бу соҳада тегишли тартиб-интизом ва назоратнинг етishмаётганини кўрсатади.

Эътиборингизни оддий юртдошларимиз учун ўта долзарб бўлган ана бир масалага қаратмоқчиман. У ҳам бўлса, асосий қўноқлик эҳтиёж товарларининг савдо шох-ҳобчаларида доимий бўлишини таъминлаш масаласидир.

Афсуски, вилоятда бу соҳада ҳам кўпгина камчиликларни учратиш мумкин. 2004 йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасида 246 ҳолатда ун, 215 ҳолатда ўсимлик ёғи, 153 ҳолатда эса шакар маҳсулоти сотувда бўлмагани аниқланган.

Шу ўринда бир савол туғилди: республикамизда бу маҳсулотларнинг ҳаммаси етарли миқдорда бўлса, галла ҳам, пахта ёғи ҳам ўзимизда етиштирилса, ун комбинатлари ишлаб турган бўлса, нима учун Наманган вилоятида бу масалада узилишларга йўл қўйилмапти? Ҳокимлар, мутаассадди раҳбарларнинг бундан ҳабери борми? Мен ҳокимлар ҳафтада бир марта дўхона кирсин, бозорга кирсин, мактаб, касалхоналарга кирсин, халқнинг турмуши, ҳол-аҳволидан ҳабардор бўлсин, деб беҳиж тақорроламайман. Лекин нима учун бу масалаларда ўзгариш бўлмапти?

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар тўғрисида вилоятда айрим касаллик турлари кўпаймоқда. Айтмиқса, вирусли гепатит билан касалланган 2003 йилда республикадаги ўртача кўрсаткичдан 35 фоиз юқори бўлгани энг аввало вилоят раҳбарларини, шу соҳага мутаассадди ходимларни ташвишга солиши зарур.

Қишлоқ шариоатида яшайдиган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Чўнончи, 1996-2003 йилларга режалаштирилган 209 та қишлоқ врачлик пунктидан 32 таси ишга туширилмаган. Жорий йилда фойдаланишга топширилши мўлжалланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан ҳозирга қадар атиги 3 таси қуриб битказилган.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш,

соғлом турмуш тарзини таъминлаш жамиятимиз олдига турган энг муҳим, энг долзарб вазифалардан бири экани ҳақида биз кўп гапирамиз.

Бу борада республика миқёсида катта ишлар қилинаётган бир пайтда Наманган вилоятида бу масалалар қўруқ гапдан нарига ўтилмапти. Айтмиқса, опа-сингилларимиз, аёлларимиз соғломлаштириш ишлари талабга жавоб бермаслиғи, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ўртасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кўпайиб бораётгани шундай дейишга асос беради.

Барчамизнинг таянчимиз ва сунячимиз бўлган баркамол авлодини тарбиялаш, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасида ҳам муаммолар кам эмас.

Вилоятдаги 673 та умумтаълим мактабидида ўқувчиларнинг қариб 30 фоизи икки сменда ўқимокда. Шунга қарамай, 11 минг 300 ўринли 24 та мактаб қурилиши охирига етказилмасдан тўхтатиб қўйилган.

Бугунги кунда мактабларнинг 175 таси капитал реконструкциялашга, 353 таси капитал таъмирлашга, 145 таси эса жорий таъмирлашга муҳтож.

Албатта, биз бу масалани яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури доирасида ҳам қиламиз, лекин вилоят раҳбарияти ҳам қўл қовуштириб ўтирмаслиғи лозим эмасми?

Вилоятда кейинги 6 йил мобайнида 69 та касб-ҳўнар коллежи ва 4 та академик лицейни фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Амалда эса 12 та касб-ҳўнар коллежи ва 2 та академик лицей қуриб битказилмаган.

Ҳар қилганда ҳам бора-бора экан, яна бир муҳим ҳолатга сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мен кейинги пайтларда Наманганга асосан қўноқ ишлатилар орқали автомобилда келгани сабабли анчадан буюм шаҳар аэропортида бўлмаган эканман. Бугун разм солиб қарасам, аэропортида 1991 йилдан бери деярли ҳеч нарса ўзгармабди. Ҳўлқуби, аэропорт — ҳар қандай шаҳар ёки вилоятнинг дарвозаси, таъбир ҳўйс бўлса, унинг юзи. Шунинг учун мен тегишли раҳбарларга бу тўғрисида топшириқ бердим, яқин кўнларда Наманган аэропортини ҳар томонлама замонавий таъмирлаш жавоб берадиган аэропортга айлантириш учун зарур ишларга киришамиз.

Урни келганда шунки ҳам айтмоқчиманки, Наманган шаҳрининг марказини ҳам аниқ белгилаб, шу юртининг улғур тарихий сиймоларини ёдга солиб турадиган гўзал бир истироҳат боғи ташкил қилсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Лекин бу тақлиф аввало сизлардан — Наманган ахлидан чиқishi лозим.

Хўрматли дўстлар! Аҳолининг қўноқлик эҳтиёжларини таъминлаш, машийиш ва коммунал хизмат даражасини оширишга етарлича эътибор берилмаётгани оқибатида аҳолининг коммунал хизматлардан қарзи 3,5 миллиард сўмга етган ва бу ҳол жиддий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда қўноқчиликни мустақамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишлари ҳам бугунги талаб даражасида деб бўлмайди.

Биргина 2004 йилнинг ўтган даврида оғир жиноятлар 15 фоиз, ўта оғир жиноятлар эса 16,5 фоиз, жумладан, босқинчилик 75 фоиз, фирибгарлик 20 фоиз, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари эса 32 фоизга ошгани шу фикрни исботлайди.

Азиз дўстлар!

Бугун Наманган вилоятида вужудга келган ана шундай вазиятни таҳлил қилиб, ягона бир ҳулосага келиш мумкин. Яъни, кейинги пайтда вилоят ҳаётида, аввало унинг раҳбарияти фаолиятида масъулиятни бутунлай унутиб қўйиш қийфати пайда бўлган ва бу ҳолат барчамизни ташвишга солимадиган қўймайди.

Шу ўринда катта-кичик барча раҳбарларга айтмоқчиман: аҳолимиз сиз билан бизга шундай мансаб ва мартабаларни, етакчиликни ишониб топширган экан, айти мақсад бўйинимизга жуда катта масъулият ва жавобгарликни ҳам юклаган.

Раҳбарлик вазомини ҳақида, унинг бугунги замонда нақадар мураккаб ва оғирлиқ ҳақида охириги вақтларда жуда кўп тилга оламиз.

Лекин, минг таассуфлар бўлсинки, бундан қўноқлик, шу жумладан, юқори мансабларда ўтирганлар ҳам керакли ҳулоса чиқариши жойларда сезилмайди.

Қўноқ вилоят, қўноқ туманда ўзининг масъулиятини йўқотиб қўйган, оёғи ердан узилиб қолган, манманликка берилиб — кўпол бўлса ҳам айтишга мажбурман — кутуриб кетган шахсларга нисбатан қўрилаётган қаттиқ чораларни худдики ўзларига тегишли эмас деб қабул қилди, улардан сабоқ чиқармайди.

Одамлар қўрсин, эшитсин, билсин, раҳбарлар шундан ҳулоса чиқарсин, деб биз бу мажлисларни телевидение орқали кўрсатамиз. Мана, бугун Наманганда сессия бўляпти. Бу ерда айтилган танқидий гаплар бўйича қўноқ вилоятлар раҳбарлари ўз ўқувчиларида фаолларни тўплаб, муҳокамалар ўтказиб, бундай камчиликлар, афсуски, бизда ҳам бор, уларни ўзимиз бартараф этишимиз лозим, деб тегишли чораларни кўрса, ўйлайманки, бундан аввало уларнинг ўзи ютган бўларди.

Ўёки бу вазомин, бу амал уларга отабоболаридан мерос бўлиб қолгандек,

уларни эртага ҳеч ким қўноқдан ушлаб жавобгарликка тортмайдигандек туюлади.

Яқинда бўлиб ўтган Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг сессияларида очик ва аччиқ гапларни айтганимиз барчангизга яхши маълум, албатта.

Ана шу кескин танқидий гаплар бошқа раҳбарларимизга, бошқа вилоят ҳокимларига ҳам сабоқ бўлади, улар бундан тегишли ҳулоса чиқариб олади, деган фикр ҳар қандай ақли расо одамнинг ҳаёлига келиши табиий ҳол, деб ўйлайман.

Аммо, минг афсуски, бугун бу гапларни Наманганда ҳам тақорролашга тўғри келмоқда. Лекин мен ишонман — ҳаёт ўзгариши, онгу тафаккурнинг юксалиши билан одамларимиз шундай ҳолатлар бошқа тақорролмайдиган, уларга асло йўл қўйилмайдиган қўнларга ҳам етиб боради.

Сизлардан ўтинчим шукки, бугун юртимизда рўй бераётган барча ишларга ўзининг дахлдор деб ҳис қилинг. Чўнки мана шу муқаддас туپроқ, мана шу бетакорор Ватан бизнинг ўзимизники. Агар ҳар бир юртдошимиз ана шундай ҳиссиёт, ана шундай гурур туйғуси билан яшаса, ўйлайманки, бугунгидек мажлисларга ҳам ҳўжат қолмайди.

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим: мансаб курсидада ўтирган, ҳокимият номидан иш юриладиган баъзи шахслар ўзининг бемаза ишларини яширишга қанча уринмасин, одамлар ўзига нисбатан, жамоатчиликка нисбатан адолат бўлилаётганини кўриб, бундай раҳбарларнинг қушоққондан чиқиб кетаётганини барибир сезади, билади.

Қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тўза бўлса, таъмадан, гараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъийлик билан вазиимлик, талабчилик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг гам-таъшишини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлади.

Яна бир бор таассуф билан айтишга тўғри келади — Наманган вилоятининг ҳокими Тўлқин Жабборов кейинги йилларда ўз фаолиятида ана шу талабларни бутунлай унутиб қўйди.

Бу раҳбарнинг иш фаолиятидаги жиддий хато-камчиликлар, айтмиқса, унинг шахсий манфаатга берилиб, маишата тўғр қўйган, оқибатда раҳбарлик қўноғи ва оёғининг йўқотгани шундай ҳолатга сабаб бўлди, десак, ҳақиқатдан холи бўлмайди.

Партия ташкилотлари ҳаётидан

ҚИСКА САТРЛАРДА

ЎзДХП Тошкент вилоят кенгашида шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котибларнинг навбатдаги минтақавий семинари-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш сайловолди жараёнларида партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, партия тарафдорларини кўпайтириш масалаларига бағишланди.

Чиноз туман партия кенгаши «Йул тушган» ширкат ҳўжалиги ва Чиноз буюм бозорида бўлажак сайловларга тайёргарлик кўришга бағишланди, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

ХДП Хоразм вилоят кенгаши Хонқа тумани ҳамда «Катта Жирмиш», «Қорақош» қишлоқларида аҳоли вакиллари билан «Парламент сайлови олдидан» мавзусида оқик мулоқотлар ўтказди.

ЎзДХП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизлар сектори ва Ёшлар марказининг «Жамиятни демократиялаштиришда икки палатали парламентнинг роли» мавзусида қўша йиғилиши бўлиб ўтди.

ХДП Қамаш туман кенгаши «Тўқбой» — Н.Мухаммадиев номли қишлоқ фуқаролар йиғинларида «Терроризм — ёвуз иллат», «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» мавзусида қишлоқ фаоллари, ёшлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Дехқонobod туман партия кенгаши «Малика» маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши ҳамкорлигида 43-сонли ўрта мактабда «Инсон хотираси — муқаддас» мавзусида Фахрий ўқувчи Эргаш Норбоевнинг хотира кечасини ташкил қилди.

ХДП Оқангирон шаҳар кенгаши Қурилиш материаллари касб-ҳунар коллежининг 35 йиллиги муносабати билан «Ўқув юртим — меннинг фахрим» мавзусида кеча ўтказди.

Шу партия кенгаши томонидан шаҳардаги «Хонобод» маҳалласи ёшлари ўртасида «Терроризм — аср вабоси» деган оммавий тадбир ўтказилди.

ХДП Қиррай туман кенгаши ҳузуридаги Хотин-қизлар секторининг навбатдаги йиғилишида аёлларни жамоат ишларига жалб қилиш, уларнинг жамият қўрилишидаги иштирокини фаоллаштиришнинг йўллари ҳақида фикр юритилди.

Наманган туман партия кенгаши туман почта алоқа боғламаси ва «Матбуот тархатуви» агентлиги вакиллари, БПТ котиблари иштирокида партия наشرларида келгуси йил учун обунани ташкил қилиш бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказди.

ХДП Ҳинчи туман кенгаши ташаббуси билан Жийдақана қишлоқ фуқаролар йиғинида «Оғоҳлик — давр талаби» мавзусида «давра суҳбат» бўлиб ўтди.

Чуст туман партия кенгаши «Пансада» ва «Садача» маҳаллаларида «Меҳр ва муруват йили» дастурида белгиланган вазибаларнинг жойларда амалга оширилиши юзасидан маҳалла фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказди.

ЎзДХП Учқўрғон туман кенгаши «Қайқубод» фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти билан биргаликда «Гўёҳандлик — асримиз вабоси» мавзусида «давра суҳбати»ни ташкил қилди.

ХДП Ҳузур туман кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси ва қатор жамоат ташкилотларининг бўлимлари ҳамкорлигида тўрт нафар ёшларнинг нақш тўйларни ўтказди.

Қарши шаҳридаги «Нур» акциядорлик жамиятида Олий Мажлиснинг XV сессиясига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Қарши шаҳар партия кенгаши котиблари Р.Муртазоев, К.Каромовалар ўз мазмунларини билан иштирок этдилар.

ЎзДХП Хонқа туман кенгаши 39-сон умумтаълим мактаби ва Сарапоён қишлоғида «Меҳр ва муруват йили»га бағишлаб «Саховат-пешалик» мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ўтказди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ҲАҲАЗИ» 10 ЁШДА

Ўзбекистон ХДП Қарақалпоғистон республика кенгашининг наشري — «Қарақалпақстан ҳаҳазиси» газетасининг илк сони нашрдан чиққанига 10 йил тўлди. Ўтган йиллар давомида «Қарақалпақстан ҳаҳазиси» газетаси ўз саҳифаларида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, бутун мамлакатимиз каби Қарақалпоғистон Республикасида ҳам туб ислохотларни ижтимоий амалга ошириш, ўзбек ва қарақалпоқ халқларининг бугунги ҳаҳатида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар билан бирга бу йўлдаги ютуқ ва муаммоларни ҳам мунтазам ёритиб келмоқда. Партия ташкилотларининг «Меҳр ва мурув-

ват йили» доирасидаги тадбирларда фаол иштирокини жонли мисолларда кўрсатмоқда. Газета ўз саҳифаларида айниқса, Орол фожияси, экологик масалаларга катта эътибор бермоқда.

«Қарақалпақстан ҳаҳазиси» газетасининг 10 йиллиги муносабати билан ЎзДХП Қарақалпоғистон республика кенгашида катта тадбир бўлиб ўтди. Партия кенгаши биринчи котиби Атаулла Асанов таҳририй ходимлари ва газетанинг муҳлисларини табриқлар экан, мазкур нашр ХДП Қарақалпоғистон республика ташкилотини ривожлантириш, унинг обрўсини юксалтириш, қарақалпоқ ва ўзбек халқла-

Ўзбекистон 1992 йил 18 сентябрда Халқаро геология иттифоқига аъзо бўлган.

ХАЗИНАЛАР ЭШИГИ «КАЛИТ» ДОРЛАРИ

Хазинатопарлар... Кўз ўнгимизда ер қаъридан турли хил нодир бойликлар топилиб, санатимиз ривожига ўзларининг машаққатли меҳнати билан салмоқли хисса қўшаётган, баъзида юзлари хорғин, заҳматкаш, аммо кўзларида касби-коридан доим масрурилик туйғуларини сезилиб турган мардона кишилар намоев бўлади.



Бир гал Навоий вилоят хокими Бахриддин Рўзиев ҳам худуд геологлари билан бўлган учрашувда шунга яқин сўзлар айтганди.

— Биламан, — деганди хоким ўшанда, — геологлар меҳнати ўта нозик, мураккаб иш. У кишидан синчковлик ва сезгирлик билан бирга мардлик-мардонлик ҳам талаб қилади. Чунки, табиатнинг қиш-қировли, жазиланган саратон кунларида умрини тоғу тошлар, қир-адирлар ва чўлу сарҳода, қум барханлари орасида ўтказишга ҳар қил чидас беравермайди... Сиз ўз мардона ҳаҳтингиз билан ана шундай қийин шартларда ер бағридан турли-туман фойдаларни қазилмаларни қидириб топиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига беҳаҳо хисса қўшаёсиз...



тиқ ходимларимиз бор. Аҳил, кўп миллатли жамоа.

Геология-қидирув ишлари ҳажми йил сайин ошиб, янги-янги конларни топишда катта ютуқларга эришялгимиз. Масалан, ўтган йили нодир металллар бўйича 7 та (биттаси нометалл фойдалар қазилма) лойиҳа бўйича геология-қидирув ишлари бажарди. Мурувот олтин кони ва янги истискобали Томдибулоқ-Балпантов ҳамда Аристантов маҳданили майдонларида олиб борилди. 46500 погон метр бургулаш, 80 погон метр оғир тоғ-кон ва 500 погон метр шурф қазил ишлари амалга оширилди.

— Жорий йилда яна 8 та лойиҳа устида иш олиб бораёلمиз, — гагга қўшилди **экспедиция бош геологи Асрор Рустамов**. — Йил охирига 46 миң погон метр бургулаш, 300 погон метр оғир тоғ ости қазил ишлари (лаҳумлар), 486 погон метр шурфлар (кичик лаҳумлар) ва 40 миң погон метр очик тоғ-кон ишлари амалга оширилди. Бундай катта ҳажмидаги ишларни сифатли удалашда дала

Хазинатопарлар ҳузуридан қайтавб, йул ёқасида ўрнатилган лаҳага қўзимиз тушди. Ундаги ёзувга эътибор бердик: «Навоийлик хазинатопарлар Ўзбекистон Халқаро геология иттифоқига аъзо бўлган 18 сентябрь санасини дала-геология қидирув ишларида катта ютуқлар билан кўриб олишди».

Ха, улар сўзларининг устидан чиқшиди.

Абдумалик НОРБОВ журналист

«ИСО-9001 ХАЛҚАРО СТАНДАРТ»НИНГ НАВБАТДАГИ АНЖУМАНИ

Тошкентдаги Енгл саноат ходимлари саройида «ИСО-9001 стандарти — халқаро бозорда бизнес қилиш учун самарали йўл» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг истеъмол моллари ишлаб чиқаруви ва савдо мажмуи таркибига кирувчи уюшма ва компанияларнинг 100 дан ортик корхоналари раҳбарлари, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати бўйича мутахассислари, «Ўзстандарт» агентлиги вакиллари иштирок этдилар. Улар юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш учун «ИСО-9001 халқаро стандарт»га асосланган сифатни бошқариш тизимини жорий этиш жараёнлари ҳақида маълумот олдилар.

Бу стандарт АКШ, Буюк Британия, Олмония, Франция, Япония, Хитой каби дунёнинг етакчи давлатлари томонидан миллий стандарт сифатида қабул қилинган. Россия Федерацияси 2001 йилда уни ўзининг миллий стандарт сифатида тан олган. Ўзбекистон Республикаси ҳам «ИСО-9001 халқаро стандарт»ни 2002 йилдан бошлаб, миллий стандарт сифатида жорий этган.

Маълумки, 2000 йилнинг «ИСО-9001 халқаро стандарт»и бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва курсатилётган хизматлар сифатини бир маромда бошқаришнинг асо-

«Ўзбекенгилсаноат» Давлат-акциядорлик компанияси «Ўзстандарт» агентлиги ҳамкорлигида ташкил этган мазкур анжуманда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари Р.Хусанов республикада давлат стандартлаштириш жараёнларининг муаммолари ва унинг келгуси ривожланиши йўналишлари тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, тадбирда йирик консалтинг хизматлари ва сифат тизимини бошқариш тузилмалари эга компания раҳбарларининг ахборотлари ҳам тингланди.

Амалия СОЛИЕВА

Иқтисод ва ислоҳот

«... 2004 йилнинг ўтган ойлари давомида 2003 йилга нисбатан миқозлар сони 23,8, соф активлар эса 57 фоизга ўсди. Кредит қўйилмалари 66 фоизга кўпайиб, 800 миллион сўмдан ошди. Аҳоли омонатлари қолдиги 115 фоиз зиёда бўлиб, ҳисобот даврида 190 миллион сўмни ташкил этди. Кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқлари 336 миллион сўмдан кўпроқ қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилди...»

(Давлат акционерлик ипотека «Замин» банкнинг Хоразм вилояти филиали ҳисоботидан).

«ЗАМИН» БАНК — МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОР ҲАМКОР

у кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларининг яқин мададкори

— Филиалимиз бугунги кунда ўзининг 2 та минибанки орқали вилоятнинг Хива, Урганч, Янги-Бозор ва Қўшқўпир туманларида жойлашган кичик бизнес субъектлари, дехон ва фермер хўжалиқлари яқиндан хизмат кўрсатмоқда, — дейди **филиал бошлиги Хўшнуд Нодирметов**. — Жамоатиз ўзининг банклари ўртасида валют рақобат бардошлиги, миқозларни кўпайиб жалб этилишини, муомаладаги нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қўқартиришга эришмоқда ва пировардда, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини кўлаб-қувватлаш билан пешдақдамлик қилмоқда. Айниқса, аҳолининг бўш пул маблағларини фойдали омонат турларига жалб этиш борасида яхши курсаткичларга эришяпти. Бу — ҳозирги иқтисодий шартларда ибратга молик фаолият турларидан бири... Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошлангич сар-

Дуққам: тажриба!

маблаг импорт шартномаларига қўра уларнинг чет эллик ҳамкорларига вақтида етказиб берилади. Натижда, вилоят қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун зарур эҳтиёж қисмлар, дори-дармонлар олиб келинди. Уларнинг аҳолига, қишлоқ хўжалиқ корхоналарига сотилиши кенг амалга оширилди...

Бундан ташқари бу ерда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчи фермер хўжалиқларига муттасил имтиёзли кредит маблағлари ажратилмоқда. 2003 йилда пахта ҳосили етиштириш учун жами 68 та фермер хўжалигига 90,3 миллион сўм кредит маблағи ажратилган бўлса, 2004 йилнинг ўтган даври мубайнида 117 та фермер хўжалигига 260,8 миллион сўм, (ўтган йилга нисбатан деярли 3 марта кўп) имтиёзли кредитлар берилди. Бу — берилган ушбу кредитлар ёрдамида 2004 йил учун тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномаларда белгиланган 4225 миң тонна пахта ҳосилини тўла етказиб бериш учун вилоятда барча имкониятлар мавжуд, дегани.

Фикримизнинг узвий давоми ва тасдиғини **Қўшқўпир туманидаги «Қадамповар», Янги-Бозор туманидаги «Кенжа Сирож» фермер хўжалиқлари**нинг етакчилари (Йўлдош Жуманиёзов, Тўлибой Матназаров) шундай ифодаляйди: «Банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига ишимизнинг самардорлиги ортди, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланди... Умуман олганда, қарандай тур кишини етиштириш учун олдинги транш маблағларини ўзлаштиришга қўра ҳозир банклар орқали ажратилаётган имтиёзли кредит биз учун жуда қулай. У фермер эҳтиёжини тўла қанатлантиради.

Шу жиҳатдан, Давлат акциядорлик ипотека «Замин» банки ва унинг вилоятимиздаги филиали молиявий барқарор ҳисоб-савалардан бири. Биз унга ишончимиз ва таянамиз...»

Бу — миқозларнинг ўзлари танлаган банкка бўлган ишончи ва баҳоси. Ортиқча изоҳга ҳоҳат қилуқ. **Номоз САЪДУЛЛАЕВ** «Ўзбекистон овози» муҳбири

ЕР УМРИ АЗИЗ

эканлигини яхши билган тадбиркор фермер **Ғанижон ЮНУСОВ** тасарруфидоги майдонларга бу йил айни ёз чигит қадалганди...



Суратда: тадбиркор Ғанижон Юнусов

«Излаган имкон топади», — деган мақол қониди ишбилармонлик ва тадбиркорлик бўлган одамлар табиатида келиб чиқиб айтилган бўлса, ажаммас...

— Июнь ойи бошида уруғликка экилган чиллика бугдой ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг йил охиригача ер умри бесамар ўтказди, — йилларди Ғанижон. — Жуда борса, фермер хўжалиги аъзолари у ер-бу ерга майда-чуйда сабзавот экинлари экиб олишди-ю, тамом... Бу — ердан унумли фойдаланилди, дегани эмасда... Шартнома рехасидаги 48 тонна ўрнига 52 тонна бугдой топишди, ҳосилнинг даромад қисмини одамларга расамад қилиб бергани билан галласи йиғиб олинган ер бўш ётмаслиқи керак... Ез энди бошланиб, иссиқ кунлар хали олдинда бўлса...

У туман мутахассислари ва шахсан хоқим билан маслаҳатлашди-ю, 10 июнь кўни ғалладан бўшаган ерга чигит экишга тушди. — Аввало яхши ният билан Аллоҳга таваққал қилдик. Ҳисоб-китобларга таяндик, — ҳўқоқ қилади у. — Пахтанинг етилиб пишиш даври 110 кун. Об-ҳаво яхши келса, октябрнинг бошларида гўзал қийғос очилиши турган гап... — Августнинг биринчи ўн кунлигида ҳар бир гўзада 15-18 тадан шоно бўлди. Суроғи, дорилаш, ишлов бериш жараёнлари кечикмади. Чунки, сувдан кейин ишлов бериш агар бир кунга кечикса ҳам, тупроқ палаҳса-палаҳса бўлиб кўчиши, ҳосилдорлик 10-15 фоизга камайиб кетиши мумкин. Еки кўсак қуртини олинг; у уч кунда бир ёшга ўсади, муддатидан уч кун кечикиб дориласангиз гўшқизта қўсакии еб бўлган бўлади...

Ха, Фаргона вилояти, Боғдод туманининг шимолий Боғдод мавзесида деҳқончилик қилаётган «Ал-Бех» фермер хўжалиги аъзолари бу йил тажриба учун экилган ана шу пахтазорларнинг ҳар гектарида 20 центнердан ҳосил олишни кўзлашган. Тўпланётган ҳосилнинг чўнғага қараганда, режа ошириб бажарилади. Ва тахмин туман деҳқонлари орасида ҳозироқ овоза бўлиб кетди. Бошқа пахтазорларга илк баҳорда экилган гўзалардан озгина фарқи билан баравак ривожланиётган пайкалларни қўрганлар ҳам келгуси йил бу усулни қўлаш ниятлари борлигини яширишмапти.

— Ха, дароқе, пахта ҳосили йиғиштириб олингани билан ўрнига яна бугдой уруғи сепамиз, — дейди Ғанижон Юнусов. — Кейинги йили элпта навли ҳосил етиштириш учун олимлар билан ҳамкорлик қилиш тараддуқи ҳам кўрялгимиз... Еркин умри азиз, уни эъёзлаш керак...

Мухтарома УЛУФ

ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

Истиклол тўфайли Жиззах шаҳри янада чирой оқиб борапти. Бу ерда бўлаётган катта ҳажмидаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг саногига етиш қийин.

Яқинда шаҳар четидоги каровсиз қолган бўш жойда янги, муқтадам «Савдо маркази» қўрғастади. Йиғирмадан ошқона ва ёрданчи бинолардан иборат мазкур мажмуани тадбиркор ака-ука Аҳмедовлар ўз маблағлари ҳисобидан қурдилар. — Асли касбим қурувчи, — дей-

МАХСУС КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ



Россия Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Александр Торшин

Бесланадаги террорчилик ҳуружини текшириш юзасидан махсус комиссия иш бошланганини маълум қилди. Сенатор сўзларига қўра, комиссиянинг қаерда жойлашиши ҳозирдаёқ маълум. Комиссия Федерация кенгашининг 20 сентябрда ўтадиган навбатдан ташқари мажлисда тузилади, деб эслатади «Новости» ахборот агентлиги.

Торшиннинг айтишича, Шимолий Осетия хоқимияти идоралари, махсус хизмат вакиллари билан учрашувлари ўтказиш жадалви тузилмоқда. Гувоҳлар ва жабрланганлар билан учрашувларга аризалар қабул қилинмоқда. Комиссия аъзолари Шимолий Осетияда тўрт-беш кун бўлиб, сентябрдаги 1-мактабда рўй берган террорчилик ҳуружи гувоҳлари билан гап-лашчи қиқшини режалаштирмоқда. Комиссия иши тўла оқиб бўлади. France-Pressе агентлигининг маълум қилишича, Торшин агар тергов кўлишога, Путинни суҳбатта тақлиф этиш имкониятини ҳам истисно этгани йўқ.



ЖАМОАЛАР ПАЛАТАСИДА ПОРТЛАМАЙДИГАН ЯСАМА ҚУРИЛМА

Британиялик журналист Вестминстер саройига ишга жойлашган ва парламент бизнесига портламайдиган ясама қурилма олиб киришга муваффақ бўлди. Деб ҳабар қилади «Sky News» телеканали ўзининг пайшанбадаги сайтида.

Газетанинг ёзишича, репортёр Энтони Франс иш беришчилар сохта ҳўжжатларни тақдим этиб, уч hafta Британияда жамоалар палатасига бемалол кириб юрган. Ҳаттоки у, Буюк Британия Бош вазири ўринбосари Жон Прескоттга чой ҳам келтириб беришга муваффақ бўлган. Франс парламентга портламайдиган ясама қурилмани олиб кириб, Бу бор-йўли бир кун муқаддам беш кишининг жамоалар палатаси мажлис залига киришга муваффақ бўлгандан сўнг рўй берган. Ҳозир бу тартибуазарлар сўроқ қилинмоқда. Маълум қилинича, жамоалар палатасига бегона кишининг кириши мумкинлиги ҳақида полиция уч марта огоҳлантирилган. Шунга қарамай, ҳеч қандай чоралар қўрилмаган. Терговчилар парламент бизнесига тартибуазарларнинг киришига шу ерда ишлаётган ходимлардан биронтаси ёрдам берган бўлиши мумкин, деб гумон қилинмоқда.

ЙЎЛОВЧИ САМОЛЁТДАГИ ЁНГИН

American Airlines компаниясининг йўловчи самолёти пайшанба кўни Чикагодаги О'Наре халқаро аэропортига мажбурий қўнган. Associated Press хабар қилишича, бунга самолётнинг сўл моторида чиққан ёнғин сабаб бўлган. Авиакомпания вакилининг айтишича, давгатегага қўш кириб қолган бўлиши мумкин. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, самолёт кўтарилгандан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай портлашга ўшшав овоз эшитилган, сўнгра ёнғин бошланган. 112 йўловчини олган самолёт Чикагодан Филадельфияга қатновни бажаришга киришганди. Йўловчиларнинг биронтаси жабрланмаган.

ҲУЖУМЛАРГА БАСАЕВ ТАРЖИМОНИ РАҲБАР

Догистон Ички ишлар вазирилик республикада миллиционерларга ҳўжум қилаётган жангарилар гуруҳини аниқлашга муваффақ бўлди. Ички ишлар вазирилик ходимларидан бирининг «Время Новостей» газетасига хабар қилишича, бу жангариларга Расул Мақашариев раҳбарлик қилмоқда. У радио тўқунларга Муслим номин билан чиқаяпти. Вазирилик расман эътироф этишчи, республикада Ички ишлар, федерал хавфсизлик хизмати ходимларини ўлдиршга иҳтисослашган қўроқчилик террорчилик гуруҳи ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, махсус хизматлар маълумотларига қўра, гуруҳ раҳбари Расул Мақашариев 1999 йилда жангариларнинг Доғистонга қилган ҳўжуми чоғида Шамил Басаевнинг таржимони ҳам бўлган. 2002 йилда Мақашариев Доғистон мамурурларига тавба-тазарру билан таслим бўлганди. Қамоқхонда бир йил ўтирган, у озодликка чиқарилганди. Вазирилик маълумотларига қараганда, кейинги бир ярим йил ичида террорчилик ҳўжумлари натижасида 28 миллионер ва федерал хавфсизлик хизматининг 4 ходими ҳалок бўлган. Гуруҳ жангариларидан ҳар бири ҳақидаги ишончли хабар учун 50 миң доллар муқофот эълон қилинган.

МАҲАЛЛА — ВАТАНИНГ ОСТОНАСИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда маҳалла ҳаҳати, унинг бошқаруве фаолиятига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинларида диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар лавозими жорий этилгани ҳам бунинг яқол далилларидир. Маслаҳатчилар эса махсус Низоом бўйича иш юрятади.

си С.Раҳимова, ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи М.Оппоқов, «Маҳалла» жағмармаси вилот бўлими раиси О.Нурриддинов, шунингдек, прокуратура ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари иштирок этди. Мазкур ўқув-семинарда маҳалла оёйишталлиги бўзилишига йул қўймаслик, оғоҳлик ва ҳўшёрлик ҳамда худудларда тозалик-озодликка эътибор бериш, кўмакка муҳтож оилаларни рағбатлантириш борасидаги мулоқазалар айтилди. Семинар қатнашчилари ўзларини кўзиқтирган саволларга жавоб олишди. **Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

Хотира

Хеч бир ёзувчига ўхшамаган ажойиб адипимиз Тоғай Мурод ўн беш йил Паркентда яшаб ижод қилди.

У ҳамма вақт ўз қишлоғини, қишлоқдошларини соғиниб яшади. Йилда бир марта қишлоғини айланиб келмаса, қайноқ хавосидан нафас олмаса кўнгли жойига тушмасди.

Олисада туриб ёзган асарларида одам юрагидек уриб турган соғинч ҳисси оппоқ қороз бетига томчилади.

Паркент билан Ҳўжасоатни боғлаб турган соғинч ҳисси роман бўлиб қорозга қуйилди.

Шунда соғинчнинг ҳам иси, ранги, вази бормикан, деган ўйга бордим.

Армонларини, тортган жабру жа-

фоларини ичида ёнаётган оловларга қорштириб яшаётган, ҳатто тилаб олган неварасига ҳам, уй остонасига гача қадамига поёндоз ёзиб, ёр-ёр билан тушириб олган, келин бўлиб келинлик гаштини сурмаган, меҳнатдан боши чиқмаган, аламларини ичига ютган, умри забунликда ўтаётган келинига ҳам нафрат билан қарайдиган Болхин момо қайдан пайдо

иға шеър, қўшиқ битилганини кўриб қолади. Шунда у бу хонадон кимни йўқотганини билади. Биринчи марта юрагида санчқ сезади.

Романнинг шу жойларини ўқиётганда китобхон фарёд уриб юборади.

Адиблар янги асар бошлаганларида қисман бўлса ҳам аввалги асарларининг руҳидан чиқиб кетишлари

дай сирли-сехрли ойдин кеча бағрига олади. Ичингизга ахиб бир нур ўрмалаб қиради. Дилларингизни ёритиб юборади.

Тоғай бир-бирини бобоси, момоси деб умр ўтказётган бир жуфт ок каптардек покиза инсонларни ойдинда-да, ой нурига ўраб тасвирлайди.

Оқибат ушбу жуфтинг ўзи ҳам, сўзи ҳам, фикри ҳам, туриш-турмуши ҳам

қийфаси, ўз тили, ўз дунёқарши, ўз қисмати бор. Улар ўқувчининг хотирида бир бутун шахс сифатида сақланиб қолади.

Асарни бунақа қилиб ёзиш қийин, бениҳоя қийин. Тоғай янги асарини ўнгидан чапига, чапидан ўнгига ўқиб, саҳифаларини тимдалаб-тимдалаб ишлайверади.

Ҳар бир сўзини заргар тарозидан тортиб, жумлаларнинг узун қисқалигини ўлчаб, саҳифаларнинг тинкасини қуритади.

Шунча йил ёзувчилик қилиб ҳали Тоғайдек қўлэзма устидан узоқ ва жиддий ишлайдиган ёзувчини кўрмаганмиз.

Бир сўхбатимизда Тоғай, «мен ҳеч кимдан кўрқмайман. Ҳар қандай эъзабон билан тикка олиша оламан. Аммо китобхондан кўрқаман. Улай агар, жуда кўрқаман», деганди.

«Юлдузлар мангу ёнади» деган би-

Саид АҲМАД, Ўзбекистон Қаҳрамони

ринчи қиссаси унга жуда катта шўҳрат келтирди. У қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Бу қиссани Тоғай ўз танасидан чиқиб кетиб, ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору ёзларни, қишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унутиб бир дарвеш қийфасига кириб, далли девона бўлиб ёзган.

Ундан шу қиссани қандай ёзганини эслай оласанми, деб сўраганимда у жиндек ийманиб, «ўнгимда эмас тушимда ёзгандекман», деб жавоб қилганди.

Тоғай Мурод қиссаларини ўқир эканман ҳар гал янги бир ёзувчи билан учрашгандек бўламан. У кечати ҳаммани қойил қолдирган «Юлдузлар мангу ёнади» ёки «От кишнаган оқшом» қиссаларини ёзган Тоғайга ўхшамайди.

«Ойдинда юрган одамлар»ни бошқа Тоғай ёзган деб ўйлайман.

Ёзувчиларда аввалги асаридан қолган ҳаяжонларини унутиш қийин кечади. Қисман бўлса ҳам ўша ҳис-ҳаяжонларни беихтиёр такрорлаётганларини ўзлари сезмайди.

Мен ўзим учун, балки адабиёт учун Тоғайни мана шу «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом» қиссалари баҳонасида кашф қилдиришман.

(Давоми бор.)

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

бўлди? Бу адабиётимизда бунақа образнинг биринчи марта юз кўрсатиши эди. Романда ўқувчи қалбини ларзага соладиган ҳолатлар жуда кўп.

Деҳқонқулнинг хотини адолатсизликларга, бу ёлгон сунъий дунёга, аёл деган шаън-шавкатини сўндирган, топтаган, роботга айлантириб қўйган шўрога исён бўлиб ўзига ўт қўяди.

Деҳқонқул хотини эртаю кеч бағрига босиб ашаган бешикни олиб, энди бу хонадонда фарзанд туғилмади, дейди. Гудак бош қўйган ёстиқчадан, қўлбоғдан, гаврапўшдан сўт хиди гулпилаб келиб турарди.

Деҳқонқул бир зум ҳушидан кетгандек чайқалади. Бешикни чордоққа опчиқиб кетаётганда унинг маъна-

вийинг бўлиши тўғрисида гапирган-дими (Бу шаккоқлигим учун устозларим, дўстларим мени кечиринсин).

Тоғай унақа эмас. У нега ўзини ўзи такрорламайди? Бунга сабаб у бутунлай бошқа маконда, бошқа шароитда, бошқа руҳиятдаги, бутунлай бошқа савдоларни бошидан кечираётган инсонлар ҳаётини мавзу қилиб олади.

«Ойдинда юрган одамлар»даги бунга умрини фарзанд орзусида яшаб ўтказётган фаршатадек покиза, нурга йўғрилган бу қаришларга «От кишнаган оқшом»даги Зиёдилла чавандоздан ўтадиган бирон руҳий ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас.

«Ойдинда юрган одамлар»ни ўқийдиган биланоқ сизни аллақандай

ойнинг қумшу нурларига йўғрилиб кетади.

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси эса Сурхон полволлари ҳаётидан ҳикоя қилади.

Унда «Ойдинда юрган одамлар»дан, «От кишнаган оқшом»дан бирон руҳият кўчиб ўтмаган. Чунки аввалги бир-бирини такрорламаган қиссалар бу асарга заррача бўлсин тасвир кўрсатмаган.

«Юлдузлар мангу ёнади» ўзига ташқарида бирон тасвир юктирмаган, мутлақо «экологик тоза» асардир.

Тоғайнинг ҳамма қиссаларини эътибор бериб кузатсангиз ўзидан-ўзи асарга боши айланиб кириб қолган биронта иштирокчини кўрмайсиз.

Ҳаммасининг ўз вазифаси, қилиги,

битавермайди. Бирон беш йил ўтиб матбуотда пайдо бўлади. Шу беш йил давомида Тоғай «битган» асарини ўнгидан чапига, чапидан ўнгига ўқиб, саҳифаларини тимдалаб-тимдалаб ишлайверади.


Ҳар бир сўзини заргар тарозидан тортиб, жумлаларнинг узун қисқалигини ўлчаб, саҳифаларнинг тинкасини қуритади.

Шунча йил ёзувчилик қилиб ҳали Тоғайдек қўлэзма устидан узоқ ва жиддий ишлайдиган ёзувчини кўрмаганмиз.

Бир сўхбатимизда Тоғай, «мен ҳеч кимдан кўрқмайман. Ҳар қандай эъзабон билан тикка олиша оламан. Аммо китобхондан кўрқаман. Улай агар, жуда кўрқаман», деганди.

«Юлдузлар мангу ёнади» деган би-

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг 130 САНТИМЕТРЛИ БОДРИНГ



Бухоро. Жондор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжасидаги Хоҳсафед кишлоғида яшовчи Шавкат Жумаев томоқсидан ярим ой шаклида етилган бодринг узунлиги бир метру 30 сантиметр бўлди.

Шавкатжон ўзи деҳқон эмас. У Бухоро минтақавий темир йўли узелида оддий йўл таъмирловчиси бўлиб ишлайди. Унинг айтишича, бултур фарғоналик ҳамкасб дўсти — Шўҳрат Холиқовдан олган бодринг уруғи бошқа навларга қараганда ҳар ҳисса кўп сув талаб қилиб, бир ойдаёқ ҳосилга қиради.

Шавкатжон бу йилча уларнинг бир қисмини қишда истеъмол қилиш учун консервалаб олди. Келаси йил мўмайроқ даромад қўриш илҳижда ҳозирданқоқ уруғларини саралаб, экадиган жойини танлаб ҳам қўйди.

Даврон БАҲРОНОВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

СЕВГИ — БИР, МАКОНИ — ИККИ «Тегирмон — икки тошдан, муҳаббат — икки бошдан». Халқ севгини, ишқ муҳаббатни қадим-қадимдан қадрлаб, эъзозлаб, асраб, авайлаб, улуғлаб келган, ишқу вафо йўлида ҳатто жонини фидо қилган, у ўзининг асрлар давомида яратган сон-саноксиз мақолларида ишқ-муҳаббатни маҳд этган, ошқ-маъшуқларга севвиш ва севилганини ўзига хос томонларини, тартиб-қоидаларини, ахлоқ-одобини, шарт-шароитларини ўқтирган, йигит-қизларга турмуш қуриш, муносиб ёр танлаш, севгини асраш, авайлаш, қадрлаш юзасидан панду насихатлар қилган: «Ишқсиз ҳаёт бўлмас,

ЗАРГАРЛИК ЗИЙНАТИ

Олтин инсонга қадимдан таниш. Аммо олтинга ўхшаш хоссаларга эга, ҳатто ундан афзал металллар ҳам бор. Ана шулардан бири — платинадир. Базан уни «Қурбақ» олтини ҳам дейишади. Платина — испанча «Plata» — қумуш демакдир. Бу металлни 1748 йили Перу бўйлаб сайёҳат қилган Испан математиги Дон Антонио Ульон биринчи бўлиб ўрганган. Оловда эримайдиган ва болга зарбидан майдаланмайдиган «оқ олтин»ни Ульон ажойиб совға сифатида Оврупага келтирган эди.

Ҳозир платина фақат қимматбаҳо металл бўлибгина қолмай, техник мақсадларда ҳам кенг қўлланади.

Ҳар йили дунёда 100 тоннага яқин платина қазиб олинмоқда. Ҳозирги замон машина ва асбоб-созилиғи платинасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Одамлар платинани даставвал қонлардан олтин қазиб олиш чоғида учратганлар. Аммо уни қандай қилиб ишлаш ва ундан қайси соҳаларда фойдаланиш мумкинлигини узоқ вақтгача билмаганлар.

Шунинг учун ҳам XVIII асрга қадар бу қимматбаҳо маъдан қазиб пайтида чинкиди сифатида улуктириб

ташланган. Бу маъдандан биринчи бўлиб XVIII аср ўртасида «сохта пул» ясовчилар фойдаланди. Чунки у вақтларда платина қумушга нисбатан икки баробар арзон эди. Қаллоблар кейинчилик платинани қимматбаҳо олтин ва қумуш тақинчоқларга ҳам аралаштирганлар. Бунга қарши Испания ҳукумати олтин қазихида чиқадиغان платинани тағ туби билан йўқотиш зарурлиги тўғрисида махсус қарор қабул қилган. Шунга биноан Испаниянинг Жанубий Америкдаги мустанлақалари — Санта-Фе ва Палапанеда вақти-вақти билан йилгилан платинани йўқитиб олдиди Боготе ва Кауке дарёлари соғ улуктирганлар.

Соф платинани дунёда биринчи бўлиб 1750 йили рудадан инглиз Уотсон ажратиб олган. Сўнгра платина янги қимматли элемент сифатида танилган. Аввалга унча мураккаб бўлмаган пластинкалар, симила ва тигеллар ясалди. Фантехника талабларига жавоб бера оладиган платина буюмларини 1790 йили франциялик заргар Жаннети ясаган.

1809 йили бир вақтнинг ўзида Францияда ва Англияда соф пла-

тинадан бир пуд олтингургурт килотасини сақлай оладиган идиш ясалди.

Бу янгилик ва кашфиётлар платинанинг нарҳини кун сайин ошириб, уни кўпроқ излаб топишни тақозо қила бошлади.

Платина — ноёб элементлар гуруҳига мансуб бўлиб, табиатда тарқоқ ҳолатда учрайди. Кейинчалик 5918,4 ва 7860,5 грами оғирликка эга бўлган платина ёмбикалари топилди.

Платина ҳам олтин каби майдаланган тоғ жинсларини ювиш усули билан олинади. Сўнг чинни қозонларда «шўх ароғи» килотасига солиб қиздирилса, бошқа маъданлар каби эритмага ўтади. Эритма мураккаб қимматли жаранларда таркибий қисмларга ажралади.

Иккинчи жаҳон урушига қадар ер юзиде қазиб олинмаган платинанинг 50 фоиздан кўпроғи заргарликда қўлланилар эди. Ҳозир эса бор платинанинг 90 фоизи саноат ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ишлатилмоқда. Бунинг боиси «оқ олтин»нинг янги кашф этилган хоссаларидир.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 131-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютқузганга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган борча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютқули ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб маъкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

Table with columns for lottery numbers (1 ТУР, 2 ТУР, 3 ТУР, 4 ТУР) and their corresponding amounts. Includes a section for 'Халтадан чиқмаган рақамлар'.

Summary table with columns: «Лаҳзада Яхши Ният» телеуйинида иштирок этувчи шарлар рақами (халтада қолган), Тўри келганлар сони, Ютқу сони, Сумма, Чипталар рақами.

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 14 октябрдаги 132- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

- 1-турда биттадан Автомагнитола
2-турда биттадан Видеомагнитофон
3-турда биттадан рангли Телевизор
4-турда 55.000.000 сўманг ЖЕК ПОТ ўйналади.

Агар чиптангиз 56 -юришда тўлса сиз 55.000.000 сўмнинг миқдордаги ЖЕК ПОТ эгаси бўласиз.

57,58 -юришда чиптангиз тўлса «NEXIA» ҳамда 3.000.000 сўм пул,
59,60 -юришда чиптангиз тўлса «MATIZ» ҳамда 1.000.000 сўм пул,
61-64 -юришда чиптангиз тўлса 3.000.000 сўм пул ютуғи эгаси бўласиз.

4- турнинг 64- юришидан сўнг 1.000.000 сўм пул ютуғи.
5-7- турда биттадан рангли Телевизор

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилаган вақоти «Лаура» ХФ сизда берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8-уй.
Мўлажал: «Украинка» дўқон. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.
Пула ютуқлари Миробод тумани Хаҳд банк бўйналари ҳамда «Лаура» тарқатувчилардан олиш мумкин.
ХФ сизда ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

Интер-спорт

МУТЛАҚ ЧЕМПИОНЛИК УЧУН ЖАНГ

Лас-Вегас шаҳрида эртага ўтказиладиган қизиқарли бокс жангига бағишланган сўнгги матбуот йиғилиши уюштирилди. Мухбирлар Бернард Хопкинс билан Оскар Де Ла Хойнинг жангга қандай ҳозирлик қўришгани билан қизикдилар: «Сабр ва иродати бўлиш, бу гал менга панд бермайди, — дейди Оскар. — Узлуксиз машқ ва учрашувлар ўтказишга тўри келди. Ўз вазижда мутлақ чемпион бўлиш учун тайёрман. Ниятим чемпионлик

камарини қўлга киритиш». Ўз ўрнида Бернард нисбатан сўзамоллик қилди: «Шаҳсан мен чемпионликка «чанқоқ» боксига қилиб насиб этиши тарафдориман. Икитро ва қубилият деган нарсаларнинг аҳамияти йўқ. Уйлайманки, жангдан кейин Оскарнинг башарасини «бўйша» ёки пластик операция қилишларига тўри келади». Мухлислар эса эртага ўтказиладиган жангни қандай кечилиши сабрсизлик билан кутмоқдалар.

УЧРАШУВ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ

УЕФА кубоги учун ўтказиладиган асосий турнирнинг дастлабки учрашуви Грозний шаҳрида бўлди. Майдонга Грознийнинг «Терек» ҳамда Швейцариянинг «Базел» жамоалари тушидилар. Уйин бошида меҳмонлар ҳужумкорликка зўр беришди. Фақат тасодиф туфайли майдон агарлари дарвозаси даҳлсиз қол-



ди. Танаффусдан кейин «Базел» ҳужумчиси, аргентиналик легионер Кристиан Хименес дарвозаси аниқ нишонга

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2004 ЙИЛНИНГ 19,22,26,29 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ АУКСИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Аукцион савдоларига қўйиладиган қўйилади: Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 1-«Б» уйда жойлашган «МБ-Механизатор» ОАЖнинг бино ва иншоотлари мол-мулклари билан. Бошланғич нархи — 85 000 000 сўм.

Ҳамда Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчасида жойлашган: — сатҳи 0,12 га, бўлган офис қуриш учун мўлжалланган, бошланғич нархи — 8 176 200 сўм бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдолардан бир кун аввал соат 18.00 да, бинолар ва иншоотлар учун савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нарҳидан 5% миқдорда, бино ва иншоотлар учун бошланғич нарҳидан 10% миқдордаги закатал пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Ўзйўлжойжамгарбанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома №000815

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси доцент Махлий Мирсоатовга турмуш урғоги журналист Музаффар ПИРМАТОВнинг беввақ вафот этганини муносабат билан қўнғи таъзия изҳор этади.

Advertisement for Bosh Muharrir: Safar Ostonov, Tahrir Hay'ati, Muassis, and other services. Includes contact information and prices.